

« 07 » Июн 2022 йил

Самарканд шахри

"NARPAY STROY HOUSE" (Бундан буён «Бажарувчи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият курсатувчи раҳбар М.Самандаров ва иккинчи томондан «Ўз.Рес.Миллий Гвардияси Самарканд вилояти Қўриқлаш бошқармаси» (Бундан буён «Буюртмачи» деб юритилади) номидан низом асосида фаолият курсатувчи раҳбари Р.М.Номозов ушбу шартномани куйидагича туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома бўйича «Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан белгиланган бажарилган иш махсулотларини етказиб беради. «Буюртмачи» эса ушбу махсулотларни белгиланган тартибда қабул қилиб олади.

1.2. Бажарилган иш «Бажарувчи»нинг мулки ҳисобланади, у гаровга қўйилмаган ва учинчи шахснинг даъволаридан ҳолидир.

1.3. «Бажарувчи» ва «Буюртмачи» учун: (бажарилган ишнинг номи, маркаси, артикули)

ТР	Иш номи	Ўл. бир	Сони	Нархи	Сумма	НДС 15%	Умумий сумма
1	Мобильный Стенд	штук	41	3895652,17	159721738,97	23958260,84	183680000
2	Проволька нержавеющая	Кг	700	104173,91	72921737	10938260	83860000
3	Мобил ограждения	штук	8	15634,78	125078,24	18761,74	143840000
4	Металлические раздвижные жалюзи	штук	1	32591304,35	32591304,35	4888695,56	37480000
	<b>Жами:</b>				<b>390 313 043,48</b>	<b>58 546 956,52</b>	<b>448 860 000</b>

Сумма: 448 860 000 (Турт юз кирк саккиз миллион саккиз юз олти миң минг) сўм ККС билан.

(кейинги уринларда «Бажарилган иш» деб юритилади) ва унга оид ҳужжатларни «Буюртмачи»га мулк қилиб топширади, «Буюртмачи» эса мазкур шартнома шартлари асосида мазкур бажарилган ишни қабул қилади ва хақини тулайди.

### II. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

«Бажарувчи»нинг мажбуриятлари:

2.1. Бажарилган ишни ва унга оид ҳужжатларни ушбу шартном ашартлари асосида «Буюртмачи»га топшириш.

2.2. Агарда шартнома шартларига мувофиқ деб топилса, бажарилган ишни ташиб бериш.

«Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

2.3. Бажарилган ишни 3 кун муддатда куздан кечириниш. Бажарилган ишнинг мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аниқланган тақдирда, «Буюртмачи» шу муддатда «Бажарувчи»га аниқланган номувофиқликлар хақида маълумотларни ақс эттирувчи хабарнома (рекламация) юборад.

2.4. Шартнома белгиланган нархларда бажарилган иш хақини тулайди.

### III. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

3.1. Мазкур шартнома суммаси 448 860 000 (Турт юз кирк саккиз миллион саккиз юз олти миң минг) сумни ташкил этиб бажарилган ишнинг ҳар бирлиги учун сумда ҳақ тўланади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича ҳисоб-китоблар пул кучинириш йули билан олдиндан 30% маблағни тўлаш ва бажарилган иш қабул қилинган пайтдан бошлаб 3 кун ичида қолган 70% қисминни тўлаш йули билан амалга оширилади.

3.3. «Бажарувчи»нинг айби билан «Буюртмачи» бажарилган ишни куздан кечириниш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, у бажарилган ишни хақини тулашни кечиктиришга ҳақли.

### IV. БАЖАРИЛГАН ИШНИ ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ.

4.1. Ушбу шартнома шартларига мувофиқ бажарилган иш сотув жойидан топширилади.

4.2. Бажарилган ишни тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиш хавфи бажарилган иш топширилган пайтдан бошлаб «Буюртмачи»га утади.

4.3. Бажарилган ишни топширишдан бошлаб қелишилган муддатга қадар «Бажарувчи» сифатига қанолат беради ва алмаштиришни ўз зиммасига олади.

4.4. «Буюртмачи» бажарилган иш махсулотларини қабул қилиб олишда бажарилган ишни тулик эмаслиги,

### V. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

5.1. Ушбу шартнома 2 нусxada тузилиб иккиси ҳам бир хил матнунга эга. Импозитан ва мухр билан тасдиқланганидан сунг кучга киради ва 31 декабр 2022 йилгача амал килади.

### VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. "Бажарувчи" томонидан бажарилган иш етказиб бериш белгиланган муддатдан кечикса хар бир кечиккан кун учун етказиб берилмаган бажарилган иш сўммасини 0.04 % миқдорида шартнома сўммасининг 5%дан ошмаган холда жарима тўлайди.

6.2. "Буюртмачи" томонидан тўлов белгиланган муддатдан кечиккан хар бир кун учун карздорлигини 0.04 % миқдорида шартнома сўммасининг 5% ошмаган холда жарима тўлайди.

6.3. Бокимандани тулаш тарафларни шартнома буйича уз мажбуриятларини бажаришдан озод килмайди.

6.4. Маъжур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

### VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ.

7.1. Ушбу шартнома юзасидан тарафлар уртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиклар тарафларнинг уртасида музокаралар олиб бориш йули билан хал этилади.

7.2. Музокаралар олиб бориш йули билан низо ни хал этиш имконияти булмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги асосида тегишли суд органларига муурожаат этилади.

### VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ.

8.1. Томонларнинг хохиш – истагига мутлақо боғлиқ булмаган холларда (нокулай об-хаво шароитлари, зитила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар (форс-мажор) туфайли бажарилмаган ёки қисман бажарилмаган (етказиб берилмаган ёки тулаб берилмаган)лиги, шартнома шартларини ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди ва ушбу ҳолатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктрилади.

### IX. БОШКА ШАРТЛАР.

9.1. Шартнома тарафларнинг узаро келишувига мувофиқ ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда иккинчи тарафнинг талаби билан бекор килиниши мумкин.

Шартнома бир тарафлама бекор килиш ёзма тақлиф бериш йули билан амалга оширилади. Тақлиф олингандан сунг 10 кунлик муддат ичида жавоб олинмаган тақдирда шартнома бекор килинган ҳисобланади.

9.2. Тарафлар узларининг юридик манзиллари ва бошқа реквизи́тлари узгарганлиги хақида бир-бирларини 3 кунлик муддатда хабардор килишлари шарт.

9.3. Шартномага хар қандай узгартириш ва қушимчалар ёзма равишда бажарилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзаланган холдагина хақиқийдир.

9.4. Шартнома икки нусxada тузилган булиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилди.

9.5. Шартномага иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

### ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Бажарувчи»

«Буюртмачи»

Корхона номи: ЧП "NARPAY STROY HOUSE"

Корхона номи: " Ўз.Рес.Миллий Гвардияси Самарқанд вилояти Қўриқлаш бошқармаси "

Манзил: Самарқанд вил Нарпай тумани

Сарбозор МФЙ

Телефон: (99899) 661 48 87

Р/С: 2020 8000 1051 6538 0001

Банк номи: Навоий ш «ИПАК ЙУЛИ» АИТ

Банкнинг Навоий филиали

Манзил: Самарқанд вилояти Самарқанд ш Т.Малик

кўчаси 12-уй

Телефон:

Р/с: 215596000800470456001

Банк номи: РКЦ Марказий банк

МФО:00022

МФО: 00199

ИНН: 202011338

ОКЭД: 54240

ИНН: 201214264

ОКЭД: 54240

Самандаров.

Р.М.Номозов

